Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 23 МАРТ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 71 (12.884)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ НИГОҲИДА

Ўзбекистоннинг жамиятни демократлаштириш ҳамда иқтисодиётни либераллаштириш, ўз фуқаролари учун юксак даражадаги турмуш шароитларини яратиш ва уларнинг фаровонлигини ошириш йўлидаги қадамлари бутун жаҳон миқёсида юқори баҳога сазовор бўлмоқда. Кўпгина халқаро институтлар ҳамда тадқиқот ташкилотларининг рейтинг маълумотлари ана шундан далолат беради. Улар эълон қилаётган тадқиқот натижаларига кўра, мамлакатимиз борган сари юқори ўринларга кўтарилмоқдаки, бу дилларимизда фахр ва дахлдорлик туйғуларини уйғотмаслиги мумкин эмас.

Бугунги Ўзбекистон изчил тараққий топаётган давлат ва халқаро муносабатлар тизимида муҳим ўрин тутаётган жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Унинг кенг миқёсли демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги тажрибаси изчил ривожланишнинг муваффақиятли модели сифатида халқаро жамоатчиликда борган сари катта қизиқиш уйғотаётгани ҳолда кўпгина мамлакатларнинг экспертлари ва сиёсатчилари томонидан атрофлича тадқиқ этилмоқда.

Бунга кўп жиҳатдан Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги фаол ҳамкорлиги кўмаклашмоқда. Улар мамлакатимизга халқаро миқёсдаги долзарб муаммоларнинг ҳал қилинишидаги муҳим ва вақт синовидан ўтган шерик сифатида қарашмоқда.

Шу билан бирга, нуфузли халқаро тузилмалар республикамизда рўй бераётган сиёсий ва иқтисодий жараёнларга, давлат ва жамият ҳаётидаги изчил ислоҳотлар натижасида қўлга киритилаётган муваффақиятларга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши ҳамда уларнинг фаровонлиги юксалишига катта қизиқиш билдиришмоқда.

Сўнгги пайтларда Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти ва эришган муваффақиятлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги сингари кўп томонлама институтлар ва бошқа ташкилотлар доирасида катта қизиқиш билан кўриб чиқилаётгани тез-тез кузатилаётир.

Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг натижалари ҳақидаги маълумотлар мунтазам равишда Бош Ассамблея йиғилишларининг расмий ҳужжати сифатида қабул қилинмоқда. Мазкур ҳужжатларда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминлаши, аҳоли фаровонлигининг ошиши, суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотлари, таълим ва соғлиқни сақлаш, экология, ёшлар сиёсати, озиқ-овқат хавфсизлиги, фуқаролик жамияти ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг шаклланиши ва мустаҳкамланиши сингари соҳаларда эришилган натижаларнинг мазмун-моҳияти ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистоннинг давлат ва жамиятни модернизациялаш бўйича эътиборга молик тажрибаси БМТ тизимига кирадиган халқаро институтларнинг ҳам юқори даражадаги қизиқишига манба бўлмоқда. Улар орасида Женевадаги БМТ бўлими, Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ), БМТ Европа иқтисодий комиссияси (ЕЭК), Савдо ва ривожланиш бўйича БМТ конференцияси (ЮНКТАД), Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ВОИС), Халқаро Меҳнат ташкилоти (МОТ), Бутунжаҳон Савдо ташкилоти (ВТО), БМТнинг Атроф муҳити бўйича дастури (ЮНЕП), ОИТС билан курашиш бўйича БМТ дастури, Парламентлараро иттифоқ ва бошқа ташкилотлар мавжуд.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ўлкамизда Наврўз шукуҳи





ЭЛИМНИНГ ШОДЛИГИ, РИЗҚ-РЎЗИ — НАВРЎЗ





Шаҳримизнинг барча туманларида Наврўзи оламга бағишлаб ўтказилган халқ сайиллари кўнгилларни хушнуд этди.

Яратиш, яшнатиш, янгиланиш, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, нафосат ва гўзаллик айёми фасли навбаҳор бу йил ҳам ўзининг ажиб ифорлари, гулу чечаклари билан муаззам ўлкамизга ташриф буюрди. Баҳор ўз қадамларида эзгу ниятларни, меҳру мурувватни, хайру саховатни мужассамлаштириб, қадриятларимиз қадрланган улуғ Наврўзни ҳам олиб келди. Интиқиб кутилган ушбу байрам халқимиз қувончига, кўнгил шодиёналари тантанасига айланиб кетди.

Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари учун шаҳримизнинг барча туманларидаги 11 та майдоннинг 14 та саҳнасида байрамга бағишлаб, «Элимнинг шодлиги, ризқ-рўзи — Наврўз!» деб номланган умумхалқ сайли ва концерт дастурлари бўлиб ўтди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, Ғафур Ғулом, Мирзо Улуғбек, «Қуёшча нури», Фурқат, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғларида, «Бахт диёр» гузари, «Ўзбекцирк», Тошкент ҳайвонот боғи олди майдонларида Наврўз байрамига бағишланган халқ сайиллари кўнгилли ўтди.

Сайиллар ўтказиладиган жойлардаги саҳналар гуллар, шарлар, осори-атиқалар, баҳор фасли тасвирланган самодаги ой, қуёш, юлдузлар буржларининг акси туширилган паннолар билан байрамона бадиий тарзда безатилди.

Эстрада хонандалари, созандалар, 42 та халқ ашула ва рақс дасталари, «Comedy.uz», «Шош», «Айём», «ЭлДиДо» гуруҳлари ва бошқа бир қатор санъаткорлар байрам сайлининг мазмунли ва кўнгилли чиқишини таъминлаб бердилар.

Шу билан бирга шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси тасарруфидаги қўшиқчилар ҳам ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан байрам тароватига кўтаринкилик улашишди.

«Жарчилар ҳангомаси», «Соғлом бола баҳори — Наврўз», «Истиқлолим — бунёдкорим», «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» номли театрлаштирилган композиция ва спорт турлари бўйича чиқишлар ҳам байрам сайли тантаналарига янада завқ ва шавқ бағишлади.

Шунингдек, туманлардаги маданият ва санъат марказларида, маҳалла гузарларида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган кенг қамровли маданий тадбирлар юқори савияда бўлиб ўтди.

Учтепа тумани аҳолиси байрам сайлини «Боғишамол» маданият ва истироҳат боғида ўтказди. Карнай-сурнай наволари-ю жарчиларнинг чорлови билан бошланган байрам тадбирида ўзбекона гўзал удумларга амал қилинди. Оҳанрабо куй ва қўшиқлар, дилбар рақслар, актёр ва қизиқчиларнинг чиқишлари кўнгилларга қувонч бағишлади.

Туман аҳолиси хушовоз хонандаларнинг чиқишлари, сумалак, ҳалим, кўк сомса каби Наврўз таомлари, жозибали халқ ўйинлари ва томошаларидан баҳраманд бўлдилар.

— Наврўз меҳнатни қадрлашга, кўклам мўъжизаларидан баҳраманд бўлишга, ҳаётнинг боқийлигига иймон келтиришга ўргатади, — дейди «Кўркамобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Сотволди Саидкаримов. — Наврўзда табиат уйғонади, туйғуларимизда тиниқлик юзага келади. Эзгу ниятлар қилиниб, гина-кудуратлар унутилади. Илоҳим, юртимизнинг тўйлари ва байрамлари кўпайсин, халқимизнинг тинчлигига, тўкинлиги ва фаровонлигига кўз тегмасин...

Байрам сайлида халқимизнинг миллий ҳунармандчилик, кулолчилик, наққошлик, чеварчилик ва осори-атиқа буюмлари намуналаридан кўргазмалар ҳам ташкил қилинди.

(Давоми 3-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Юртимизда Наврўз байрами кенг нишонланаётган шу кунларда жойларда кўплаб янги маданий-маиший иншоотлар, ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилмоқда. Хусусан, Андижон вилоятининг Баликчи туманида «Ўз Тонг Хонг Ко» Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонасининг филиали иш бошлади. Филиал цехларида 19 хилдаги кеда – спорт оёқ кийимлари, шунингдек, турли қурилиш михлари ишлаб чиқарилмоқда.**

● **Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Локомотив» истироҳат боғи Наврўз куни янги мавсумни бошлади. Боғдаги аттракционлар тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, махсус техник назоратдан ўтказилди. Болалар майдончаси янгидан барпо этилди. Улар арғимчоқлар, турли ўйин қурилмалари билан таъминланди. Уч юздан ортиқ манзарали дарахт, минг туп гул кўчати ўтқазилди.**

● **Наврўз байрами кунлари Каттақўрғон шаҳар прокуратураси, шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ҳамкорлигида «Ҳеч ким меҳр-эътибордан четда қолмасин!» шиори остида шаҳардаги 30 дан ортиқ якка тартибда таълим олаётган ногирон ўқувчилар ҳолидан хабар олинди.**

● **Тошкентдаги Республика олимпия заҳиралари теннис мактаби кортларида ITF туркумига кирувчи халқаро турнир якунланди. Унда дунёнинг йигирмага яқин давлатидан олтмишдан зиёд теннисчи иштирок этди.**

ЖАҲОНДА

● **«Чегара билмас шифокорлар» халқаро гуманитар ташкилоти жаҳон ҳамжамиятини Ғарбий Африкада хуруж қилган Эбола безгаги билан курашиш борасида етарли даражада ҳаракат қилмаганликда айблади. Натижада сўнгги маълумотларга кўра ушбу эпидемиядан 10 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган. Энг кўп қурбонлар Гвинея, Либерия ва Сьерра-Леонеда қайд этилди.**

● **Польшалик Кристиан Херба ўзи ўрнатган жаҳон рекордидан ўтиб кетиш мақсадида Тайбэйдаги 101 қаватли осмонўпар бинонинг 3 мингдан ортиқ зинасини велосипед орқали босиб ўтишга муваффақ бўлди. Бунинг учун Херба 2 соату 13 дақиқа вақт сарфлади. Ушбу рекорднинг ўрнатилиши жараёнини Гиннеснинг Рекордлар китобининг вакиллари ҳам кузатишди. Таъкидлаш жоизки, ўтган йили Кристиан Херба Мельбурндаги осмонўпар бинонинг 2019 та зинасини велосипед орқали забт этганди.**

● **БМТ Хавфсизлик Кенгаши Яндаги вазиятнинг кескин ёмонлашиши муносабати билан ўзининг тезкор йиғилишини ўтказди ва мамлакат президенти Абд-Рабб Мансурни қўллаб-қувватлашини билдирган ҳолда, исёнчиларнинг ҳаракатларини қоралади. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг баёнотида таъкидланишича, ҳозир ушбу мамлакат фуқаролик уруши остонасида турибди.**

Сайлов – 2015

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК РУҲИДА ЎТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан 300 нафардан зиёд кузатувчи иштирок этади. ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан интернет орқали боғланиб, Президент сайловига тайёргарлик жараёни, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ҳақидаги фикрларини ёзиб олди.

Абдул-Реда АССИРИ, Кувайт университетининг ижтимоий фанлар факультети декани, профессор:

– Ўзбекистон халқаро сиёсатда ўзининг мустақил ва аниқ позициясини белгилаб олган. Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларда тутган ўрни ва аҳамияти жуда катта.

Мамлакатингизнинг қатор йирик давлатлар билан муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш, халқ манфаатларини таъминлаш йўлида улкан ютуқларни қўлга киритди. Мамлакатингизда замонавий инфратузилмани ривожлантириш – янгидан-янги уй-жойлар, таълим, тиббиёт, спорт объектлари барпо этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳавас уйғотади.

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайлов халқингизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти юқори эканини кўрсатди.

Мустақиллик йилларида мамлакатингизда Конституция билан кафолатланган демократик сайлов тизими яратилди ва у замон талаблари асосида такомиллаштириб борилаётир. Сайлов якунларига кўра парламентда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди таклиф этилиши тамойили ҳамда ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ўз мазмун-моҳияти билан Ўзбекистон ҳаётида янги босқични бошлаб берди.

29 мартда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатингиз сайлов тизимининг самарали экани, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ошиб бораётганини яна бир бор намоён этишига ишонаман.

Рохан ГУНАРАТНА, С.Ражаратнама номидаги Халқаро тадқиқотлар мактаби профессори (Сингапур):

– Ўзбекистонда иқтисодиётни босқичма-босқич ривожлантириш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар мамлакатингиз тараққиётини таъминламоқда.

Мамлакатингизда инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли ҳаёт даражасини юксалтириш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини янада тараққий эттириш борасида улкан ишлар бажарилмоқда. Қулай ишбилармонлик муҳити яратилиб, чет эл инвестициялари иштирокида ўзаро манфаатли ва узоқ истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Президенти сайлови юксак даражада, очиқ ва ошкора, адолатли ўтишига ишончимиз комил.

Нодира МАНЗУРОВА, Ирода УМАРОВА суҳбатлашди

Парламент ҳаёти

ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ЮЗАСИДАН КЕНГ ВА АМАЛИЙ МУҲОКАМАЛАР ЎТКАЗМОҚДАЛАР

Хабар қилинганидек, Қонунчилик палатаси қўмиталарида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, аҳоли соғлиғи, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда бошқа соҳаларга оид қатор қонун лойиҳалари юзасидан муҳокамалар бўлиб ўтмоқда. Қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолиятининг сифатини ошириш мақсадида қонун лойиҳалари муҳокамаларига олимлар, мутахассислар, экспертлар жалб қилинмоқда.

Хусусан, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси Тошкент давлат юридик университети олимлари билан ҳамкорликда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни чеклаш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтиришни кўзда тутувчи қонун лойиҳасининг муҳокамасини ўтказди.

(Давоми 2-бетда)

Сайлов — 2015







Президент сайлови кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаши, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг асосий шаклидир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури тўғрисида»ги 660-сонли қарорига мувофиқ, жорий йилнинг 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига навбатдаги сайлов бўлиб ўтади.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари томонидан Президент сайловини юксак савияда ўтказиш, партиянинг стратегик мақсадларини амалга ошириш, партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзоднинг сайловолди ташвиқотини кўтаринки руҳда ўтказиш учун тизимли ишлар олиб борилмоқда.

— 2015 йил 9 февраль куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг IX қурултойида партиянинг бўлажак сайловда муносиб иштирокини таъминлаш масалалари атрофлича кўриб чиқилди, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши қошида ташкил этилган партия сайлов штаби раҳбари Ҳайдар Бобохонов. — Жумладан, мамлакатимиз ҳаётида энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа – Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни ҳақида сайловчилар хабардорлигини оширишга доир вазифалар белгилаб олинди. Шунингдек, партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари сайлов кампанияси даврида аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориб, партия электорати вакилларида фаол фуқаролик позициясини, ўз сайлов ҳуқуқидан онгли ва масъулият билан фойдаланишга интилишни шакллантириш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши қошида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича ташкил этилган штаб бу борадаги фаолиятни марказлашган ҳолда мувофиқлаштириб бориш ва миллий меъёрдаги имзолари йиғилди. Ҳар бир сайлов участкаси партиянинг кузатувчиси билан таъминланди ва улар ўз ваколатлари ва мажбуриятлари билан таништириб борилмоқда. Номзоднинг Ишончли вакили томонидан 18 февраль кунидан бошлаб Тошкент шаҳридаги барча туманларда сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиб келинмоқда. Ўтган муддат ичида Тошкент шаҳрида ўндан

САЙЛОВОЛДИ ТАДБИРЛАРИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши қошида тузилган сайлов штабида Президент сайловига пухта ҳозирлик кўрилмоқда

сайлов қонунчилигимизда кўзда тутилган нормалар асосида сайловолди кампаниясини ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Зеро, сайлов кампаниясини олиб боришда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича ташкил этилган штаблар фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунгача Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши қошида ўн кишидан иборат сайлов штаби, шунингдек, барча туман кенгашларида ҳам шундай штаблар ташкил этилди. Ушбу штаблар тўрт йўналишда ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлаш учун сайловчиларнинг белгиланган ортиқ учрашувлар Сергели, Бектемир, Яккасарой, Чилонзор туманларида бўлиб ўтди.

Сайлов штабларимиз қонунда белгиланган тартибда фаолият олиб бормоқда. Штаблар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи барча сайлов участкаларига партиямиздан кўрсатилган номзод ҳақида сайловчиларга зарур ахборотларни етказиш ва дастурий мақсадларининг устувор йўналишлари ҳақида хабардор қилишда кўмак бермоқда. Жойларда номзоднинг Сайловолди дастури билан аҳолини янада яқинроқ таништириш мақсадида маҳаллий ва марказий оммавий ахборот воситалари билан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шунингдек, сайлов куни ахборотларни қабул қилиш мақсадида сайлов штаби замонавий ахборот технологиялари билан таъминланди. Энг муҳими, штаблар фаолиятидаги тизимлилик учрашувларнинг режа асосида ҳамда самарали ташкил этилишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, 2014 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ва маҳаллий вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловларга партиямиздан кузатувчилар тайинлангач, уларнинг сайлов қонунчилигидан хабардорлигини ошириш ҳамда янги ҳуқуқий нормалар билан тўлароқ таъминлаш мақсадида партия Марказий Кенгаши томонидан махсус услубий қўлланма тайёрланган эди. Қўлланма миллий сайлов қонунчилигимизда кўзда тутилган кузатувчининг вазифаси, ҳуқуқи ва ваколатига доир нормалар хусусида атрофлича маълумотларни ўз ичига олади. Пировардида, жойларда бўлиб ўтган сайлов жараёнларида кузатувчиларимизнинг барча талаблар асосида ўз фаолиятини олиб боришига эришилди.

Мазкур тажрибадан келиб чиққан ҳолда жорий йил ҳам шундай услубий қўлланма тайёрланиб, жойларга юборилди. Зеро, кузатувчиларнинг муҳим сиёсий жараёнга ҳар томонлама тайёр бўлиши сиёсий партия учун муҳим аҳамиятга эга.

Тошкент шаҳар ва туман кенгашларида ташкил этилган штаблар таркибида партиянинг сайловдаги иштирокини ташкилий, ахборот-таҳлилий, ташвиқот-тарғибот, оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш ва партиянинг кенг жамоатчилик билан алоқаларини кучайтириш бўйича ишчи гуруҳлари тузилди. Улар махсус режа асосида фаолият олиб бормоқда. Унга мувофиқ, сайловчилар ва электорат вакиллари билан турли учрашув ва давра суҳбатлари, мулоқотлар ва ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга тадбирлар ўтказиб келиняпти.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ ЮЗАСИДАН КЕНГ ВА АМАЛИЙ МУҲОКАМАЛАР ЎТКАЗМОҚДАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қўмита аъзолари Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилиниб, иккинчи ўқишга тайёрланаётган ушбу ҳужжат юзасидан батафсил маълумот бердилар. Энг аввало, 2011 йилда қабул қилинган «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши фуқароларимизни алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишда, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишда муҳим роль ўйнаб келаётгани алоҳида қайд этилди.

Шу билан бирга таъкидландики, 2014 йилда мамлакатимизда «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тартибга солишга қаратилган амалдаги қонунлар таҳлили Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг айрим нормаларини такомиллаштириш заруриятини юзага келтирди. Шу сабабли ҳукумат томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи берилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичганлик, шунингдек, транспортда чекканлик учун жарима жазосини кўзда тутувчи жавобгарликлар белгиланган. Лекин амалиётда кодекснинг мазкур нормаларини қўллашда айрим мунозарали масалаларга дуч келинмоқда. Шундан келиб чиқиб, иш жойларида алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилганлик учун ҳам жавобгарлик ўрнатиш, мазкур ҳуқуқбузарлик учун «жамоат жойлари» тушунчасини янада аниқлаштириш, тамаки маҳсулотларини жамоат жойларида истеъмол қилганлик, шунингдек, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тарғиб этганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик ўрнатиш таклиф этилмоқда.

Тадбир иштирокчилари Кодексга киритилаётган мазкур тузатишлар маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигимиз вазифаларига тўла мос келишини, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, жамоат тартибини сақлашга, табиий муҳитни, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилганини алоҳида эътироф этдилар. Олимлар ва тадқиқотчилар қонун лойиҳасида назарда тутилган нормаларни янада такомиллаштиришга қаратилган фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

– Қонун лойиҳасининг назариётчи олимлар даврасида муҳокамадан ўтказилиши биз ишчи гуруҳ аъзолари учун кўп жиҳатдан фойдали бўлди, – **дейди қўмита аъзоси, депутат Д.Арипов**. – Энг аввало, биз маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик, унинг вазифалари, маъмурий жазоларнинг қўлланиши масалаларига оид илмий-назарий жиҳатлар ҳақида кенг маълумотлар олдик. Шунингдек, олимларнинг бир қатор таклиф ва мулоҳазаларини биргаликда муҳокама қилдик. Мазкур муҳокама лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади.

– Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси вакилларининг қонун лойиҳаларини университетимиз олимлари, тадқиқотчилари билан биргаликда муҳокама қилиши қонун ижодкорлиги фаолиятига янгича мазмун олиб киради, – **дейди юридик фанлари доктори, профессор Ж.Холмўминов.** – Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қонун лойиҳаларини давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли бўғинларида кенг ва амалий муҳокама қилиш зарурлиги ҳақида алоҳида таъкидлаган эдилар. Чиндан ҳам фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун лойиҳаларининг олимлар, мутахассислар ва экспертлар иштирокида муҳокама қилинишидан ҳаммамиз манфаатдормиз. Бундан ташқари, бугунги муҳокама биз олимлар учун, айниқса, бизнинг илмий тадқиқотларимиз учун ҳам жуда фойдали бўлди.

Ўта қизғин ва самарали баҳс-мунозаралар асосида ўтган тадбир якунида қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга доир фикр-мулоҳазалар ва таклифлар умумлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ НИГОҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2015 йил бошидан буён Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича мамлакатимиз тажрибаси, 2014 йилда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устуворликлари ҳақидаги ахборот материаллари БМТ Бош Ассамблеяси 69-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида тарқатилди.

Шунингдек, мазкур ахборот материаллари Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг 57 иштирокчи мамлакати, ушбу ташкилотнинг 11 ҳамкор давлати, ЕХҲТ институтлари ва дала миссиялари ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси ва МДҲга аъзо мамлакатлар ўртасида ҳам тарқатилди.

Юқоридагилардан ташқари, БМТнинг Нью-Йорк ва Женева шаҳарларидаги, ЕХҲТнинг Венадаги, МДҲнинг Минскдаги қароргоҳларида ўтказилаётган турли тадбирларда – брифинг, тақдимот маросимлари ва учрашувлар чоғида ҳам юртимизда кечаётган ўзгаришларга нисбатан халқаро ҳамжамиятнинг эътибори ва қизиқиши тобора ўсиб бораётгани намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштириш жараёнлари хусусидаги ўзгаришлар юзасидан нуфузли давлатлараро тузилмаларнинг раҳбарлари ва вакиллари томонидан билдирилган кўплдан-кўп фикр-мулоҳазалар ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Жумладан, **БМТ Европа иқтисодий комиссияси (ЕЭК) ижрочи котибининг ўринбосари Андрей Васильев** маълум қилганидек, БМТ Европа иқтисодий комиссияси Ўзбекистон билан ҳамкорлик масаласига катта эътибор билан қарайди. «Ўзбекистон изчил ривожланиб бораётган ва диверсификациялашган иқтисодиётга эга бўлган Марказий Осиё минтақасининг ўта муҳим мамлакатидир, дейди у. Мен ўн йилдан зиёд давр мобайнида республикага мунтазам бориб тураман ва ҳар сафар унинг шитоб билан ривожланаётганининг гувоҳи бўламан. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳасини қўллаб-қувватлашга, нафақат республика пойтахтида, балки унинг узоқ ҳудудларида ҳам инфратузилмани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон экология, уй-жой хўжалигини ривожлантириш, инновация асосидаги тараққиёт, тадбиркорлик ва бошқа йўналишларда БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг муҳим шериги ҳисобланади. Биз уй-жой хўжалиги ва ердан фойдаланиш соҳаларида фаол ҳамкорлик қилмоқдамиз. Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси биз учун жуда қизиқарли ва кераклидир. Умид қиламизки, бу йўналишлардаги ўзаро ҳамкорлигимиз муваффақият билан давом этади».

ЕХҲТ Бош котиби Ламберто Занньернинг маълум қилишича, Ўзбекистон Республикаси мазкур ташкилотнинг муҳим аъзоси ҳисобланади. Унинг эътироф этишича, тинчлик, хавфсизлик ва дўстлик ғоялари умумжаҳон миқёсида илгари сурилишида мамлакатимиз муҳим ўринга эга бўлгани баробарида ЕХҲТ фаолиятига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда.

Ўз навбатида, **Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақавий бюроси директори Жужанна Якаб** фикр билдирганидек, глобал ва минтақавий инқирозлар шароитида узоқ муддатли барқарор ривожланишни таъминлаш борасида Ўзбекистон сезиларли тараққиётга эришди.

У ҳар томонлама баркамол авлоднинг тарбияси ҳақида тўхталар экан, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларини такомиллаштириш юзасидан ҳаётга тадбиқ этилаётган чора-тадбирларга юқори баҳо берди. Жумладан, Ж.Якабнинг фикр билдиришича, Ўзбекистон оналар ва болалар ўлимини камайтириш, гендер тенглигини таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш борасида ижобий натижаларни қўлга киритди. Шу билан республика Минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришиш ишига салмоқли ҳисса қўшди.

БМТ Атроф муҳити бўйича дастури (ЮНЕП) Европа минтақавий идораси директорининг ўринбосари Сильви Мотар экология соҳасида ҳамда «яшил иқтисодиёт», атроф муҳити ҳимояси ва био хилма-хиллик сингари масалаларни илгари суришда мамлакатимиз билан ўзаро ҳамкорликнинг юқори даражада эканлигини қайд этди. Шу ўринда С.Мотар таъкидлаганидек, ўз ташкилоти нафақат икки томонлама муносабатларни, балки Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (МФСА), Барқарор ривожланиш бўйича давлатлараро комиссия (МКУР) сингари минтақавий тузилмалар фаолиятига Ўзбекистон қўшаётган салмоқли ҳиссани ҳам муносиб баҳолайди.

«Ўзбекистонда жорий йил 29 март куни Президент сайловлари бўлиб ўтишидан хабардорман, дейди у. Сайлов давлат ҳаётидаги жуда муҳим палла бўлади. Юксак лавозимга даъвогар сифатида тўрт нафар номзоднинг қўйилган мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларнинг амалий натижасидан далолатдир. Бу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимининг бир бўлаги сифатида бизни жуда қувонтиради. Тақдим этилган ушбу имкониятдан фойдаланиб, олдинда турган сайловлар муваффақиятли ўтишига тилакдош эканлигимни айтишни истар эдим».

Парламентлараро иттифоқнинг Халқаро алоқалар бўйича департаменти раҳбари Анда Филип ўзбек аёлларининг давлат ҳаётида, жумладан, парламент фаолиятида фаол иштирок этаётганини ижобий баҳолади. Шу боис у республикада парламентаризм институтини такомиллаштириш, қонунчилик органи ваколатларини кенгайтириш ва кучайтириш ҳамда давлат органлари фаолияти устидан парламент назоратининг таъминланиши бўйича амалга оширилган ислоҳотларни табриклайди. Шунингдек, А.Филип мамлакатимизда умумий Ватанининг фаровонлиги йўлида елкама-елка меҳнат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасида тинчлик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик муҳити ҳукм сураётганини Ўзбекистон эришган муваффақиятлар ва изчил тараққиётнинг муҳим омили сифатида қайд этди.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан қаратилаётган бундай катта эътибор ва берилаётган ижобий баҳолар Ўзбекистон раҳбарияти танлаган тараққиёт йўлининг тўғрилигини, чуқур ўйлангани ва самарадорлигини яна бир бор тасдиқлаши билан бирга мамлакатимиз муваффақиятлари дунёда кенг эътироф этилаётганидан ҳамда унинг ички ва ташқи сиёсати ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради.

«Жаҳон» АА

«Камолот» лойиҳалари

МЕНИНГ БИРИНЧИ САЙЛОВИМ

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган ўрта-махсус таълим муассасаларида «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши томонидан «Мен Президентга овоз бераман» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳада илк маротаба Президент сайловида иштирок этаётган ўқувчи-ёшлар қатнашмоқда.

Барчамизга маълумки, 29 март куни Ўзбекистон Республикасида Президент сайлови бўлиб ўтади. Биз ушбу лойиҳа иштирокчилари бўлган биринчи бор сайловда овоз бериш жараёнида иштирок этаётган айрим ёшларнинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

— Мен илк маротаба сайловда иштирок этиш билан бир қаторда, муносиб номзодга овоз бермоқчиман. Зеро, бу бизнинг келажагимизнинг бир маромда кечишига ҳамда юртимизнинг янада ривожланишига муҳим ҳисса қўшиши табиий. Барча ёшларни сайловда фаол иштирок этишга чорлайман.

Неъматилла ОМОНОВ,
Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 2-сон академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиси

* * *

Мен Шоҳруҳ Ҳидоятов ЎзМУ қошидаги 2-сон академик лицей ўқувчисиман. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида илк маротаба иштирок этяпман ва мен бундан жуда ҳам хурсандман. Сайловда ҳар бир сайловчининг тенг ҳуқуқли бўлиши ва ҳеч қандай ташқи таъсирсиз ўз шахсий танловини амалга ошира олиши давлатимизнинг демократия пойдевори асосида қурилганидан яна бир бор далолат беради. Сайловга жуда катта тайёргарлик кўрилмоқда. Сайловолди тадбирларида сайловда илк маротаба қатнашаётган биз каби ёшларга сайлов ҳақида тўлиқ тушунчалар берилиши жуда муҳимдир. Биз, ёшларга ҳар томонлама эътибор қаратилаётганидан ва шундай шарт-шароитлар яратиб берилгани учун миннатдорман.

Зарина РУСТАМОВА

Ўлкамизда Наврўз шукуҳи





ЭЛИМНИНГ ШОДЛИГИ, РИЗҚ-РЎЗИ — НАВРЎЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Чилонзор туманидаги байрам сайлида ҳам куйлар қўшиқларга уланиб кетди. Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Гўзал Жуманиёзова, Аббосхон Ҳамроев, Сардор Содиқов, Шоира Ўктамова, Элмурод Мирдаев, Жавоҳир Очилдиев каби таниқли хонандаларнинг дилбар қўшиқлари йиғилганларга баҳорий кайфият улашди. Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрининг иқтидорли актёрлари томонидан уюштирилган саҳна кўринишлари эса барчага манзур бўлди.

— Наврўзни қандай кутиб олишимизда ва бу табаррук айёмга ўзимизни қандай чоғлашимизда гап кўп, — дейди сайил иштирокчиси Икром Хужиев. — Наврўз ҳаёт чирофининг ўчмаслигидан, она заминнинг буюк само бағрида айланиши ва бобо қуёшнинг мангу нур сочишидан далолат беради. Қалбимизда эса гўзал туйғулар ғунча очади. Тилагимиз илоҳим шу муқаддас юртимизга кўз тегмасин.

Мирзо Улуғбек туманидаги халқ сайли «Локомотив» номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Байрам элимизнинг азалий қадриятлари анъанавий урф-одатлари, дилрабо куй-қўшиқларига ҳамоҳанг равишда нишонланди.

— Наврўз халқимизнинг азалий қадриятидир, — дейди Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Дилафрўз Жуманиёзова. — Тўрт минг йиллик тарихга эга бўлган бу байрам табиатга ўзига хос тароват бағишлайди, янги умид, янги режалар, руҳиятимизга ҳам енгилликлар олиб киради. Ушбу байрам йиллар оша ҳаётимиз мазмунига айланиб бормоқда.

Байрам сайли доирасида варрак учириш, тош кўтариш, арқон тортиш, кураш ва миллий ўйинлар, турли спорт мусобақалари ташкил қилинди. Муқаддас қадриятларимиз тимсоли бўлган Наврўзи олам шукуҳи дилларга қувонч бағишлади.

Яшнобод туманидаги халқ сайли Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қошидаги Маънавият ва маърифат маркази олдидаги майдонда кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Туман маҳаллалари Наврўз руҳини намоён этувчи ўзбекона миллий супаларни безатишди, ундан баҳор таомлари, ширинликлар ўрин олди.

— Туман аҳолисининг маданий ҳордиғини таъминлаш, халқ сайлини ташкил этиш ишлари хайрли анъанага айланган, — дейди Яшнобод тумани Маданият ва аҳоли дам олиш марказининг бадиий раҳбари Саид Раҳматов. — Бу йилги сайлимиз «Элимнинг шодлиги, ризқ-рўзи — Наврўз!» деб номланди. Бунда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандалари билан бир қаторда туманда жойлашган туман Маданият ва спорт ишлари бўлими тасарруфидаги 3 та Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари қошидаги бадиий-ҳаваскорлик жамоалари қатнашчилари томонидан театрлаштирилган байрам томошаси намойиш этилди. «Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» блокида ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари уюштирилди.

Ёши улуғ инсонлар учун қозонларда ош дамланиб, дастурхон ёзилди. Кексалар юртимиз тинчлиги ва осойишталигини тилаб қўлларини дуога очишди. Келажагимиз эртаси бўлмиш болажонлар турли хил аттракционларда учиб, уларнинг шодон кулгуси янгради.

Юнусобод туманида жойлашган Тошкент ҳайвонот боғидаги халқ сайли туман аҳли ва пойтахтимиз меҳмонларига манзур бўлди.

Бу ерда туман ҳокимлиги, Тошкент ҳайвонот боғи, туман хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими, туман Савдо департаменти, «Камолот» ЁИҲ, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва бошқа ташкилотлар томонидан «Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!» шиори остида байрам сайли ташкил этилди.

Нуроний отахон-онахонлар, тумандаги фаол маҳалла маслаҳатчилари, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, туманда жойлашган ўқув марказлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари янгиланиш ва яшариш байрамини кўтаринки кайфиятда нишонлаш имконига эга бўлишди. Ўзбек миллий академик драма театри актёр ва актрисалари саҳна кўринишлари билан тадбир иштирокчиларини самимий муборакбод этишди. Тадбирнинг бадиий қисмида жажжи болажонлар томонидан куй-қўшиқлар, рақслар ижро этилди. Спорт усталарининг кўргазмали чиқишлари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг хонандалари, 22-сонли маданият ва аҳоли дам олиш маркази хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар барчага хуш кайфият бағишлади. Эртамиз эгалари бўлмиш ёшлар ўртасида варрак учириш мусобақаси ҳам қизғин тарзда ўтказилди. Шу билан бирга ҳайвонот боғи бўйлаб саёҳат ҳам уюштирилди. Баҳорий таом бўлмиш сумалак ва ширинликлар тарқатилди.

— Азалдан Наврўз халқимиз томонидан қут-барака, меҳр-оқибат ҳамда тўкин дастурхон рамзи сифатида қадрланади, — дейди «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маъсуда Исоҳоджаева. — Халқимиз учун Шарқона янги йилнинг бошланиши, энг қадимий, асл миллий ва ардоқли байрам бўлмиш Наврўз айёмини тантана билан кутиб олиш ва нишонлаш насиб қилганига шукроналар айтамиз. Қадимий ва бетакрор, миллий ўзлигимизни англаш тимсоли бўлмиш Наврўз байрамининг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса ёшлар орасида кенг тарғиб этиш, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш, она табиатни, миллий анъаналарни эъзозлашга қаратилган кенг қамровли ишлар ёшларимиз маънавиятини бойитади. Мазкур боғда ташкил этилган сайилда набираларим билан қатнашиб, мустақил юртимизга фақатгина шоду хуррамлик, байрамлар яратишини ҳис этдим. Кексалари эъзозланган юртда туғилиб, яшаётганимдан беҳад мамнунман. Жаннатмакон юртимизга кўз тегмасин.

Ўзбекистон Давлат цирки атрофидаги майдонда ташкил этилган халқ сайли **шайхонтоҳур**ликлар ва бу ерга ташриф буюрган пойтахтимиз аҳли дилини шод этди. Карнай-сурнай садолари остида бошланган халқ сайли барчани байрамни кўтаринки кайфиятда нишонлашга чорлади. «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши фаоллари томонидан миллий халқ ўйинлари ижро этилди. Республика рассомчилик коллежининг иқтидорли ўқувчилари расмлар бўйича иқтидорларини намоён қилишди. Тошкент меҳмонхона хўжалиги ва сервис касб-ҳунар коллежининг ўқувчилари эса карвинг санъати бўйича бор маҳоратларини кўрсатишди. Китоблар ярмаркаси ҳам ташкил этилди.

Байрам дастурида хонандалар, созандалар, миллий ва эстрада йўналишидаги кулги усталари ўз санъатлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

— Наврўз сайлида қалбимиз ғурурга тўлди, — дейди уй бекаси Дилафрўз Мансурова. — Иқтидорли ўқувчиларнинг карвинг санъати бўйича маҳоратларини кўриб, фарзандимда ҳам шундай ҳунарни чуқурроқ ўрганиш истаги туғилди. Ташкилотчиларга миннатдорчилик билдириб қоламан. Юртимизнинг гўзал байрамлари, тўю томошалари кўпайсин. Кексаларимизнинг умрлари узоқ бўлсин.

— Мазкур халқ сайлини ёшларимизнинг қалбида ғурур ва ифтихор туйғусини туйдириш, урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида уюштирилган тадбир десам адашмаган бўламан, — дейди «Камолот» ЁИҲ Шайхонтоҳур туман Кенгаши раиси Лазиз Тўраев. — Бугунги кунда ёшларимиз орзу-ниятларининг рўёбга чиқиши йўлида барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Берилаётган имкониятлардан фойдаланиб, масъулиятни оқлаш вазифамиз эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Мухтасар қилиб айтганда, шу куни пойтахтимизнинг барча туманларида халқ сайли кўтаринки кайфиятда ўтди. Юртимиз бўйлаб жойларда ўтказилаётган шодиёна тадбирлари халқимиз қалбига чексиз қувонч бағишламоқда.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА, Зиёда РАСУЛОВА
СУРАТЛАРДА: шаҳримиз туманларида бўлиб ўтган Наврўзи олам сайилларидан лавҳалар
Ислом Исмоилов олган суратлар







АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИ ЎЗИДА МУЖАССАМ ЭТГАН

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Унда қўмита Марказий аппарати шахсий таркиби, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри божхона бошқармалари, «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси, Олий ҳарбий божхона институти, Миллий кинология маркази вакиллари, соҳа фахрийлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Давлат божхона қўмитаси раиси З.Дусанов мустақиллик шарофати билан Наврўз халқимиз маънавий юксаклигининг ажралмас қисми сифатида қайта тикланиб, теран илдизлари мустаҳкамланаётганлигини таъкидлаб, йиғилганларни Наврўз айёми билан муборакбод этди.

Неча минг йиллар давомида азалий қадриятларимизни ўзида мужассам этиб, аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган Наврўзнинг истиқлол йилларида ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Халқимиз учун табиат уйғониши, шарқона янги йилнинг бошланиши, асл миллий, ардоқли байрам бўлмиш Наврўз айёмини юртимизнинг барча ҳудуд ва минтақаларида нишонлаш эзгу анъанага айланиб қолди.

Мамлакатимизда жорий йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши Наврўзга бетакрор файзу тароват бағишлади. Шу аснода ёши улуғларнинг ижтимоий ва маиший турмушини янада яхшилаш борасида қатор амалий тадбирлар бажарилади. Уларга меҳр-мурувват, катта ҳурмат кўрсатилади. Айниқса, ёлғиз қариялар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, улар моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватланади. Табаррук отахону онахонлар яшаётган, хаста ва ногирон кишилар истиқомат қилаётган хонадонлардан хабар олиниб, совға-саломлар улашилади. Мазкур тадбирлар Кексаларни эъзозлаш йилига ҳам шаклан, ҳам мазмунан монанддир.

Тинч ва осойишта юртга байрам, тўй ва тантаналар ярашади. Бугунги кунда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, бунёдкорлик ишлари аввалambор халқимизнинг тинчлиги, осойишталиги ва юрт фаровонлигига қаратилган.

Бу борада божхона органлари ходимлари ҳам юртимизнинг иқтисодий барқарорлиги ва тинчлиги йўлида самарали хизмат қилиб, ижобий кўрсаткичларга эришмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида давлат бюджетига божхона тўловлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 21,7 фоизга ортиғи билан бажарилди.

Тадбирда байрам муносабати билан қўмита буйруғига биноан тизимда ўрнак кўрсатиб хизмат қилаётган бир гуруҳ ходимлар, шунингдек, божхона фахрийлари рағбатлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати

Энг қадимий, севимли ва ардоқли байрамимиз — Наврўз байрами файзу тароват ила юртимизга кириб келди. Бутун олам гулу чечакларнинг, ялпизу райҳонларнинг хушбўйлари, сувларнинг шилдираши, баҳоройнинг майин эсган шаббодаси билан гўёки яшнаб кетди. Яшариш, яшнатиш айёмининг дилбар наволари дилларга эзгулик ва меҳр-муҳаббат қувончини улашаётгандек гўё.

ЯШАРИШ АЙЁМИНИНГ ДИЛБАР НАВОЛАРИ ЯНГРАДИ

Байрамларни байрамларга улаб кириб келган Наврўзи олам тадбирлари барча корхона, ташкилот, маҳалла ва ўқув масканларида катта тантана билан ўтказилмоқда.

Учтепа туманидаги 287-мактабда «Ҳар кунимиз бўлсин Наврўз» мавзуида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда бўлганимизда умрбоқий байрамимиз тафтини янада теранроқ ҳис этдик. Ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама баркамол, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, халқимиз учун шарқона янги йилнинг бошланиши ҳисобланмиш Наврўз айёмини муносиб кутиб олиш каби бир қатор хайрли мақсадлар кўзланган ушбу тадбирда ота-оналар, ўқитувчи-мураббийлар, кекса авлод вакиллари, маҳалла фаоллари ва ўқувчи-ёшлар иштирок этиб бир олам завқу шавқ олдилар.

— Ўқувчиларимиз зукко, интилувчан, тиришқоқ ва изланувчан, — дейди тадбир ташкилотчиси, 1а-синф раҳбари Дилшода Бобомуротова. — Мактабимизда 1235 нафар ўғил-қизлар таълим олади. Уларнинг чуқур билим олиши, келажакда бирон касбнинг эгаси бўлишга интилишлари, жамиятда ўз ўрнини топишлари учун кўникма ҳосил қилишлари учун таълим даргоҳимизда барча шарт-шароитлар муҳайё. Ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши йўлида 50 та турли фан тўгараклари, 5 та спорт тўгараги ва 2 та қизиқишига доир тўгараклар фаолият юритиб келмоқда. Ўқувчиларга таълим-тарбия бериш, уларнинг миллий анъаналарга бўлган қизиқишларини ошириш, нутқини ўстириш, фикрлаш доирасини кенгайтириш каби хайрли мақсадлар йўлида катта тажрибага эга, бугунги кун талаби асосида таълим берувчи устоз-мураббийлар улар хизматида. Бугунги байрам ҳам азиз болажонларимизга қувноқ байрам кайфиятини улашиш мақсадида ташкил этилди.

Дарҳақиқат, қувноқ болаликнинг беғубор оламида ўзингизни янада бахтиёр ва сокин сезасиз. Болажонлар ижросида янграётган шеър, қўшиқ ва гўзал рақслар сизни ҳам беихтиёр даврага етаклаб кетади. Ва сиз ҳам ушбу гўзал оқшомда бахтиёр элимнинг бахтли ғунчаси, янада баландроқ янграсин овозинг, гулларга, чаманларга тўлсин йўлларинг, шодон кулгуларинг оламни тўлдирсин, озод юртимнинг тинчлик кабутари мисол бутун дунёга жаранг сочсин, болажоним, дея ният қиламиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА

КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ — ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 70-умумтаълим мактабида ўқувчиларни касбга йўналтиришга қаратилган тадбир бўлиб ўтди.

Бугунги кунда ўқувчи-ёшларни касбга йўналтириш таълим-тарбия жараёнининг ажралмас қисмига айланган.

— Мактабимизда ҳар йили март ойида битирувчи синф ўқувчиларини касбга йўналтириш мақсадида тадбирлар бўлиб ўтади, — дейди Меҳнат ва касбга йўналтириш фани ўқитувчиси Д.Умарова. — Уларнинг билим салоҳияти, қобилияти ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда йўл-йўриқлар кўрсатишимиз лозим. Мактабда ўқувчиларни тўгаракларга жалб қилиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишга алоҳида аҳамият қаратилади.

«Туркистон-пресс»

Кўргазмалар

МИНИАТЮРА РАНГТАСВИРЛАРИДА БЕҲЗОД АНЪАНАЛАРИ

Пойтахтимиздаги К.Беҳзод мемориал боғ-музейида буюк мусаввир К.Беҳзод таваллудининг 560 йиллиги муносабати билан «Буюк мусаввир ворислари» номли илмий-амалий анжуман ҳамда миниатюрачи рассомлар кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон Бадиий академия раиси Акмал Нуриддинов, К.Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институти проректори Дилфуза Раҳматиллаева, Бадиий академия академиклари Шомаҳмуд Муҳаммаджонов, Ниёзали Холматов, санъатшунос Зуҳра Раҳимова, К.Беҳзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтининг магистри Асалхон Раҳматиллаевалар сўзга чиқиб, буюк мусаввир ворислари Шарқ китоб санъати К.Беҳзод бадиий меросининг жаҳон маданиятида тутган ўрни, миниатюра ранг тасвирида Беҳзод анъаналари каби масалалар бўйича фикр юритдилар.

Ташкил этилган боғ-музей экспозициясида рассомларнинг «Камолиддин Беҳзод шогирдлари», «Хамса», «Ёш йигит», «Ёш шоир», «Боғдаги бир кун», «Шоир», «Кутиш», «Ғор эгалари», «Меърож», «Изҳор», «Чимилдиқ», «Шоҳнома», «Табриз мактаби», «Мажнуннинг саройга қайтиши», «Бобурийлар» каби асарлари ҳам ўрин олган.

Кўргазманинг очилишида бир гуруҳ миниатюрачи рассомлар дипломлар билан тақдирланди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Соғлом келажак» косметологияни ривожлантириш жамоат бирлашмаси 2015 йил 4 мартда Тошкент шаҳар Адлия бошқармасидан 452 п-сон билан рўйхатдан ўтганини ва фаолиятини бошлаганини маълум қилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Реклама ўрнида



Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бугунги кунда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бирга ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлаш йўналишида ҳам тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Мусобақалар

СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Жумладан, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан «Спорт – саломатлик гарови» республика спартакиадаси тўрт босқичда спортнинг стол тенниси, волейбол, шахмат, шашка, бадминтон ва сузиш турлари бўйича ўтказилди.

Пойтахтимиздаги олий ўқув юртлариаро спорт мажмуасида «Спорт – саломатлик гарови» шиори остидаги спартакиаданинг республика минтақавий босқичида Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари ғолиблари қатнашди.

— Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари орқали уларнинг саломатлигини тиклашга кўмаклашиш мақсадида турли спорт-соғломлаштириш тадбирлари амалга ошириб келинмоқда, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг етакчи мутахассиси Гулчеҳра Жўраева. — Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан жорий йилда ўтказилган «Спорт – саломатлик гарови» республика спартакиадасида 6 миллиондан ортиқ турли соҳа ходимлари иштирок этди. Спартакиаданинг қуйи босқичларида 30 минг 500 га яқин корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган 6 млн. 88 минг нафардан ортиқ меҳнаткашларни қамраб олган 380 минг 525 та жамоа қатнашди.

Республика финал босқичи 4 та ҳудудда – Тошкент шаҳри, Андижон, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида ўтказилди. Ҳақиқий спорт байрамига айланган мазкур мусобақаларда республикамизнинг барча ҳудудларидан ғолиб бўлган 252 нафар турли соҳа ходимлари ўзаро куч синашдилар.

— Юнусобод туманидаги 258-умумтаълим мактабида жисмоний тарбия ўқитувчиси сифатида фаолият кўрсатаман, — дейди мусобақада волейбол баҳсларида ғолибликни қўлга киритган Тошкент шаҳар жамоаси аъзоси Чарос Кандимова. — Жамоамиз шаҳар босқичида ғолибликни қўлга киритганда республика босқичида ҳам юқори натижаларга эришамиз, дея умид қилгандик. Республика босқичида ҳам омад кулиб боқди. Бундай мусобақани ўтказган ташкилотчиларга катта миннатдорчилик билдираман. Беш йилдан бери спортнинг волейбол тури билан шуғулланаман. Икки нафар фарзандим ҳам спортга ошно. Яқинда ўғлимнинг мактабгача таълим муассасасида таэквондо мусобақасида ғолиб чиққанидан беҳад қувондим.

— Мен кўп йиллардан буён спорт билан шуғулланиб келаман, — дейди «Энг ёши улуғ иштирокчи» номинацияси ғолиби Сайдулла Суюнов (Жиззах вилояти). — Шахмат-шашкага бўлган қизиқишим кучли, бундан ташқари спортнинг барча турига бефарқ эмасман. Мазкур мусобақада фахрийларнинг ҳам фаол иштирок этиши қувонарли ҳол. Спортнинг инсон саломатлигига таъсири катталигини ёш авлод вакилларига таъкидлаш жоиз.

Мусобақа натижаларига кўра, шашка бўйича тошкентлик Баҳодир Убайдуллаев ва сирдарёлик Гавҳар Мирзаахмедова, шахмат турнирида Тошкент вилояти вакиллари Мирзаёқуб Миралиев ва Мафтуна Маматқулова, стол тенниси бўйича тошкентлик Қаҳрамон Ҳасанов ва Тошкент вилоятидан Ирина Шоахмедова, бадминтон баҳсларида тошкентлик Сергей Гимадеев ва Дилфуза Султонова, сузиш мусобақаларида сирдарёлик Аҳтем Сеттаев ва тошкентлик Елена Лисицкая ғолибликни қўлга киритди. Волейбол баҳсларида Тошкент шаҳри жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Якуний натижаларга кўра, Тошкент шаҳри жамоаси биринчи, Тошкент ва Жиззах вилояти жамоалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллади. Шу билан бирга мусобақада «Энг ёши улуғ иштирокчи», «Энг маҳоратли ҳаваскор спортчи», «Ғалабага бўлган интилиши учун», «Энг ёш иштирокчи» номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Қизғин руҳда ўтган беллашувларнинг барча ғолиб ва совриндорлари Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Замира РАҲМОНОВА

Шахмат

ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимизда шахмат бўйича биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган «Тошкент опен» IX халқаро турнири якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда мамлакатимиз шахмат федерацияси ҳамкорлигида ёшлар ўртасида шахматни янада оммалаштириш, спортчиларимизнинг тажрибасини ошириш, ўзбек шахмат мактаби имкониятларини кенг тарғиб этиш мақсадида ўтказилган мусобақада Ўзбекистон, Франция, Испания, Россия, Беларусь, Арманистон, Озарбойжон, Украина, Қозоғистон, Тожикистон ва Афғонистон каби давлатлардан юз нафарга яқин шахматчи ўзаро баҳслашди.

Швейцарча усулда тўққиз турдан иборат мусобақада 7 очко жамғарган россиялик Владислав Артёмов қўшимча кўрсаткичларга кўра биринчи ўринни эгаллаган бўлса, етти очко жамғарган франциялик Владислав Ткачёв иккинчи ўринга лойиқ топилди. Иқтидорли шахматчимиз, ФИДЕ устаси Баҳодир Холмирзаев 6,5 очко билан учинчи ўринни қўлга киритди.

Ҳамюртларимиз Жўрабек Ҳамроқулов, Марат Жумаев, Акмал Файзуллаев, беларуслик Станислав Циханчук, Алексей Александров, қозоғистонлик Муртас Кажгалиев, арманистонлик Тигран Петросян, россиялик Василий Папин, озарбойжонлик Элтож Сафарли ва испаниялик Олег Корнеев ҳам 6,5 тадан очко жамғарди.

– Турнир юқори савияда ташкил этилгани эътиборга лойиқ, – дейди Владислав Артёмов. – Мусобақа давомида ўзбек шахматчилари, айниқса, ёш истеъдод эгаларининг ўйини менда катта таассурот қолдирди. Бу Ўзбекистонда спортнинг барча турлари қатори шахматни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бераётганидан далолатдир.

Мазкур турнир истеъдодли шахматчиларимиз учун тажриба мактаби вазифасини ўтади. Мусобақада Сарвиноз Қурбонбоева, Баҳора Абдусатторова, Мафтуна Маматқулова ва Гулруҳбегим Тоҳиржонова қизлар ўртасида юқори кўрсаткичга эга бўлган шахматчилар сифатида эътироф этилди.

Ўғил болалар ўртасида Ортиқ Ниғматов, Алишер Бекмуродов мутахассис ва мухлислар эътиборини қозонди.

– Турнирда халқаро гроссмейстер меъёрини бажарганимдан хурсандман, – дейди ЎзА мухбирига Сарвиноз Қурбонбоева. – Келгусида нуфузли мусобақаларда янада юқори натижаларни қўлга киритиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш ниятидаман.

Байрам АЙТМУРОДОВ

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан «Таълим сифати – келажак кафолати» мавзусида республика амалий семинари ташкил этилди.

Унда Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти, Республика таълим маркази мутахассислари ҳамда вазирлик тизимидаги ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларнинг директорлари иштирок этди.

Мамлакатимизда миллати, тиббий-ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, барча болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг пухта билим олиши, ўз қизиқиши ва салоҳияти бўйича касб-ҳунар эгаллашига яқиндан кўмаклашиш масаласига доимий эътибор қаратилмоқда.

Бу жараёнда алоҳида эҳтиёжли болаларнинг тўлақонли таълим олиши учун зарур шароит яратиш, тиббий, ижтимоий, психологик-реабилитация қилиш чораларини кучайтириш, уларнинг жамиятга интеграциялашувига яқиндан кўмаклашиш юзасидан изчил ва тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда умумий ўрта таълим муассасалари билан бирга ихтисослаштирилган таълим масканлари, мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, махсус таълим педагогларининг касб малакасини доимий ошириб бориш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу турдаги таълим муассасаларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида дефектология факультети, Нукус, Жиззах, Навоий, Қўқон педагогика институтларида махсус таълим кафедралари ташкил этилиб, дефектолог-кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ўқувчиларнинг имкониятидан келиб чиқиб, турли фанлардан билим бериш билан бирга, уларнинг касб-ҳунарга бўлган қизиқиши ва иштиёқини тобора кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур мактабларда чилангарлик, дурадгорлик, пазандалик, сартарошлик, тикувчилик, тўқувчилик, косиблик каби касблар бўйича ўқув машғулотлари ташкил этилган. Айни пайтда юмшоқ ўйинчоқлар ясаш, рассомлик, зардўзлик, мусиқа, миллий каштачилик, спорт тўгараклари мунтазам олиб борилаётгани болаларнинг бўш вақтини тўғри ва унумли ташкил этиш, ижодий-жисмоний қобилиятини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Семинарда ихтисослаштирилган таълим масканларида ўтиладиган ўқув предметларининг сифати ва самарадорлигини янада юксалтириш, меҳнат таълими фани таркибига кирувчи касблар турлари ва дарсларини аниқ мақсадларга йўналтириб бориш юзасидан маърузалар тингланди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

ҚИЗҒИН БЕЛЛАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари – Штаб бошлиғининг 2015 йил 14 январдаги фармойиши ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг жорий йил 4 февралдаги «Тошкент шаҳри туманлари миқёсида «Ёш қутқарувчи» кўнгиллилар клублари мусобақасига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан пойтахтимизнинг барча туманларида беллашувлар ўтказилди.

Мусобақани ўтказишдан асосий мақсад ёшларни она Ватанга садоқат, мардлик ва муҳаббат руҳида тарбиялаш, улар онгида ҳарбий-ватанпарварлик туйғуларини, фавқулодда вазиятларда ва кўнгилсиз ҳодисаларда амалий ҳаракат қилишда руҳий барқарорликни, ўз-ўзига ишончни шакллантириш, чаққонлик, чидамлилик, тезкорлик каби сифатларни ривожлантириш ва соғлиғини мустаҳкамлаш, «Ёш қутқарувчи» кўнгиллилар клублари мусобақасига тайёргарлик кўриш ва унинг юқори савияда ўтказилишини таъминлаш ҳамда мусобақа ғолибларини Тошкент шаҳар ва республика босқичларига тайёрлашдан иборатдир.

Мактаб остонасиданоқ жисмоний тайёргарликдан ўтиб туман босқичида иштирок этган бўлажак спортчи-халоскорлар 5 босқичдан иборат мусобақада баҳс юритдилар. Тўғри, ҳар бир шартнинг ўзига хос масъулияти ва тартиб-қоидаси бор. Бунинг учун фақат эпчиллик, зукколик ва хатоларга йўл қўймаслик талаб этилди. Энг муҳими, пойтахтимизнинг барча мактабларида бўлиб ўтган «Ёш қутқарувчи» кўнгиллилар клублари ўртасидаги беллашувларда ўқувчилар фаол қатнашдилар.

Таъкидлаш жоизки, муросасиз кечган беллашувларда барча ўқувчилар мусобақа мобайнида кучларини яна бир бор синовдан ўтказишди.

Беллашув ғолибларига фахрий ёрлиқлар топширилди.

Азамат СУЮНОВ

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***24 март*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Гарбдан секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси ва кундузи — 10-12 даража илиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***24 март*** *куни Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 355
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13591 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 16.10
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 5